*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ✦ № 71 (8811). ● 4 апрель, 1986 йил ● ЖУМА ● Баҳоси 3 тийин

## ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА

## КПСС XXVII СЪЕЗДИ ҚАРОРЛАРИ АСОСИДА РЕСПУБЛИКАДА ИЖОДКОР ЁШЛАР БИЛАН ИШЛАШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети «КПСС XXVII съезди қарорлари асосида республикада ижодкор ёшлар билан ишлашни янада такомиллаштириш тадбирлари тўғрисида» қарор қабул қилди.**

Қарорда таъкидлаб ўтилганидек, партия ва совет органлари, маданият идоралари ва муассасалари, республиканинг ижодий союзлари ва комсомол ташкилотлари КПСС Марказий Комитетининг «Ижодкор ёшлар билан ишлаш тўғрисида»ги қарорига амал қилиб, адабиёт ва санъат кадрларини профессионал тайёрлаш ва ғоявий-сиёсий тарбиялашда бир қанча тадбирларни амалга оширдилар. Санъат олий ўқув юртлари ва билим юртларида ўрганиладиган ихтисослар доираси кенгайди. Ёзувчилар, рассомлар, композиторлар союзларида, маданият идораларида, матбуот органларида ва санъат муассасаларида ёшлар кенгашлари ва уюшмалари тузилди. Ёшлар ижодини республика журналлари ва газеталарида пропаганда қилиш имкониятлари анча кенгайди.

Шу билан бир қаторда партия, совет органлари, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, кинематография Давлат комитети, телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, ижодий союзлар, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети ижодкор ёшлар билан ишлашни тубдан яхшилашга, уларнинг бадиий маданият тараққиётидаги ролини оширишга ҳали эришганлари йўқ. Республикада ижодкор ёшларнинг потенциал кучлари ҳали лозим даражада намоён бўлмаётир. Ижодкор ёшларни профессионал-ижодий тайёрлашда олий ва ўрта махсус таълим ўқув юртларининг имкониятларидан фойдаланилмаяпти. Ана шу ўқув юртларини битириб чиқаётган кўпгина ёшлар ижод билан боғлиқ муассасаларда муқим ишлаб қолаётганлари йўқ, ўз мутахассисликлари бўйича ишламаяптилар.

Айрим ижодий союзлар ва санъат муассасаларида носоғлом ахлоқий-маънавий вазият вужудга келган. Ўртача асарларни навбатдан ташқари эълон қилиш, ижодий союзлар аъзолигига профессионал жиҳатдан ноқодир авторларни қабул қилиш ҳолларига йўл қўйилди.

Бир қанча партия комитетлари, министрликлар ва идоралар ижодкор ёшлар билан ишлашга жавобгар бўлган мансабдор кишиларга нисбатан юксак талаблар қўймаётирлар, адабиёт ва санъат ёш арбобларининг ғоявий-сиёсий тарбиясига ва профессионал маҳоратини оширишга етарли эътибор бермаётирлар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети партия ва совет органлари, Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, Олий ва Ўрта махсус таълим министрлиги, Маориф министрлиги, кинематография Давлат комитети, телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Давлат комитети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети, ижодий союзлар ва Ўзбекистон театр жамияти зиммасига КПСС Марказий Комитетининг XXVII съездга Сиёсий доклади йўл-йўриқлари асосида ўз фаолиятларини танқидий таҳлил этишни, ижодкор ёшларга раҳбарлик қилишни, уларни ғоявий-сиёсий ва профессионал тарбиялашни тубдан қайта қуриш юзасидан комплекс тадбирлар планини ишлаб чиқиш ва амалга оширишни топширди.

Қарорда музика мактаблари, болаларнинг санъат мактаблари, ўрта махсус ва олий ўқув юртлари базасида истеъдодли ёшларни аниқлаш, танлаш ва тарбиялашга хизмат қиладиган яхлит системани яратиш кўзда тутилади. Театр ва санъатнинг бошқа турлари етакчи мутахассисларининг, арбобларининг истеъдодли ёшларни танлаб олиш ва уларни республика ҳамда мамлакатнинг олий бадиий ва ўрта махсус ўқув юртларига кириш учун тайёрлашда кенг иштирок этишини таъминлаш керак.

Оммавий ахборот воситалари орқали ёш муаллифлар ва ижрочиларнинг ижодини кенг пропаганда қилиш, махсус теле ва кинофильмлар яратишни йўлга қўйиш, адабиёт ва санъатнинг таниқли арбоблари ёшларга устозлик қилишини ҳар томонлама ривожлантириш ва рағбатлантириш, ҳамма театрларда ёшлар учун саҳналар очиш ва бу саҳналарда кадрларнинг профессионал жиҳатдан ўсишини ўйлаб, аниқ мақсад билан ишлаш керак. Ижодий союзларга ёшлар қабул қилинаётганда аъзоларнинг сифат жиҳатига талабчанликни оширишга алоҳида эътибор берилиши лозим.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги, кинематография Давлат комитети, телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитети, ижодий союзлар, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети, Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига 1988 йилдан бошлаб, икки йилда бир марта адабиёт ва санъатнинг ҳамма турлари бўйича ижодкор ёшлар ютуқларининг конкурслари ва кўрикларини ўтказиш тавсия этилди. Ана шу конкурслар ва кўрикларнинг якунларига кўра, ҳисобот концертлари, спектакллар кўрсатилиши, лауреатларнинг кўргазмалари, телевидение ва радио орқали чиқишлар уюштирилиши кўзда тутилсин.

Ҳамза номли санъатшунослик институти базасида ижодкор ёш бадиий зиёлиларнинг ижоди проблемалари бўйича ва адабий-бадиий танқидчиларни тайёрлашни такомиллаштириш юзасидан тадқиқотларни мувофиқлаштириб турувчи марказ тузиш назарда тутилади. Ўзбекистон ССР кинематография Давлат комитетига, телевидение ва радиоэшиттириш Давлат комитетига, республика кинематографиячилари ва ёзувчилари союзларига совет кинематографиясининг етакчи мутахассисларини таклиф этиб, бадиий киносценариячиларни тайёрловчи доимий семинар ташкил этиш, шунингдек ёш кинематографиячиларнинг «Дебют» бирлашмасини тузиш таклиф этилди.

Қарорда область, шаҳар, район партия комитетлари адабиёт ва санъат муассасалари бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятини активлаштиришлари лозимлиги, коллективларда истеъдодли кишиларнинг ҳар томонлама рўёбга чиқишини таъминлайдиган соғлом ахлоқий-психологик вазиятни яратиб, уларни қўллаб-қувватлашда партия ташкилотларининг ролини оширишлари зарурлиги уқтириб ўтилган. Камчиликларга принципиал, амалий ёндашувни собитқадамлик билан қарор топтириш, адабиёт ва санъат соҳасида ҳамма салбий ҳодисаларни бартараф этиш учун коммунистларнинг масъулиятини ошириш лозим. Ижодкор зиёлилар орасида партиявий ўзакни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор бериш лозим.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетига маданиятнинг ёш арбобларини ғоявий-сиёсий ва ахлоқий тарбиялашни яхшилаш юзасидан тадбирларни амалга ошириш, уларни ижтимоий-сиёсий ҳаётда, республика комсомол ташкилотининг ҳаётида актив иштирок этишга кенгроқ жалб қилиш вазифаси топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Ўзбекистон ССР Министрлар Советига адабиёт ва санъат ходимларининг уй-жой-маиший шароитлари, уларга медицина хизмати кўрсатишга оид масалаларни, шунингдек, ижодий ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларини кўриб чиқишни топширди. Касаба союз органларига, республиканинг министрликлари ва идораларига бадиий зиёлиларнинг меҳнати ва дам олиши учун зарур шароитлар яратиб бериш юзасидан изчил иш олиб бориш таклиф қилинди.

## ИНТЕРНАЦИОНАЛИЗМ—БАЙРОҒИМИЗ

### ТОШКЕНТДА БУТУНИТТИФОҚ ИЛМИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ ОЧИЛДИ

Партия съездининг юксак минбаридан туриб КПСС бундан буён ҳам мамлакатимиз халқлари қардошларча дўстлиги муттасил мустаҳкамланиб бориши, меҳнаткашларни совет ватанпарварлиги ва интернационализми руҳида тарбиялаши, миллатчилик ва шовинизм, маҳаллийчиликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши принципиал кураш олиб бориши таъкидланган эди. Съезд В. И. Лениннинг миллий масала хусусидаги таълимотига таяниб, миллий муносабатлар проблемасини жамиятимиз бирлигини мустаҳкамлаш, социалистик турмуш тарзи коллективчилик асосларини кучайтириш билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқди.

«КПСС XXVII съезди қарорлари асосида миллий муносабатларни такомиллаштириш» мавзусида 3 апрель куни Тошкентда Бутуниттифоқ илмий конференцияси очилди. Конференцияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, СССР Фанлар академияси Президиуми ҳузуридаги миллий проблемалар бўйича илмий кенгаш, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ўтказмоқда. Унда Москва, Киев, Тошкент, мамлакатимиздаги қардош республикаларнинг таниқли олимлари, партия ходимлари, идеология ташкилотлари ва муассасаларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев конференцияни кириш нутқи билан очди.

— Бизнинг конференциямиз, — деди у. — мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим ўзгаришлар даврида ўтмоқда. Совет халқи Ватанимиз социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштиришнинг, Ер юзида тинчликни мустаҳкамлашнинг дадил ва реал вазифаларини олға сурган КПСС XXVII съезди қарорларини амалга ошириш борасида қатъият билан меҳнат қилмоқда.

Бу — ижодий марксизм-ленинизм ва тарихий оптимизм съезди бўлди. Большевикча анъаналар руҳида ўтган съезд коммунистларни, барча совет кишиларини ижтимоий тараққиёт истиқболларини равшан кўриш билан қуроллантирди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев қилган Марказий Комитет Сиёсий доклади, КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, съезднинг бошқа ҳужжатлари партия ва халқ учун илҳомбахш омил бўлиб қолди, мамлакатни чинакамига жумбушга келтирди.

Съезд тугаганидан сўнг бир ойдан камроқ вақт ўтди, лекин партия ташкилотлари фаолиятида, кишиларнинг кайфиятида, уларнинг ижодий, ташаббускорлик билан меҳнат қилиш, Ватанимиз қудратини зарбдор меҳнат билан мустаҳкамлаш иштиёқида юз берган ўзгаришлар ҳозирнинг ўзидаёқ сезилиб турибди. Кишилар КПСС ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлаганликларини айтмоқдалар ҳамда М. С. Горбачев совет телевидениеси орқали сўзлаган нутқида олға сурган янги тинчлик таклифларини қизғин маъқулламоқдалар.

Кишилар тўғрисида ғамхўрлик қилиш — партия стратегиясининг энг асосий проблемаси эканлигини XXVII съезд қарорларининг ҳар бир сўзи, ҳар бир сатри тасдиқлаб турибди. Худди мана шунда социалистик тузумимизнинг инсонпарварлик табиати, унинг капитализмдан сифат жиҳатидан фарқи ғоят кенг ва ёрқин намоён бўлмоқда.

Съезд қарорларини амалга ошириш учун қатъият билан куч-ғайрат сарфлаш, катта ташкилотчилик, идеологик ва тарбиявий иш олиб бориш талаб қилинади. Инсон омили тараққиётимизни жадаллаштиришнинг ҳал қилувчи, белгилаб берувчи шартидир. Миллий муносабатларни такомиллаштириш инсон омилини активлаштиришнинг муҳим воситасидир. Бизнинг давлатимизда юздан ортиқ миллат ва элатлар ихтиёрий равишда ва тенг ҳуқуқли асосда бирлашган. Қайси халққа мансублигидан қатъий назар, ҳар бир совет кишиси КПССнинг янги таҳрирдаги Программасида алоҳида таъкидлаб кўрсатилган «Совет Иттифоқида ўтмишдан қолган миллий масала муваффақиятли ҳал этилган» деган сўзлардан чуқур қониқиш ҳосил қилмоқда.

Миллий масалани социалистик тарзда ҳал этишда Коммунистик партия раҳбар ва раҳнамо куч эканлигини XXVII съезд ҳужжатлари яққол кўрсатиб турибди. Миллий сиёсатнинг ленинча принциплари СССР социал-иқтисодий тараққиётини жадаллаштириш программасига мувофиқ амалга оширилмоқда. Миллатлар ва элатларнинг янада равнақ топиши ҳам, уларнинг ихтиёрийлик, тенглик, қардошларча ҳамкорлик асосида юз бераётган муттасил яқинлашуви ҳам жамиятимиздаги миллий муносабатлар учун характерлидир. Бу тараққиёт узоқ тарихий истиқболда миллатларнинг тўла бирлигига олиб боради. Партия ҳужжатларида бу жараёнда сунъий равишда тезлатишга ҳам, тараққиётнинг етилган объектив тенденцияларини тўхтатишга ҳам йўл қўйиб бўлмаслиги аниқ-равшан кўрсатилган.

Миллий муносабатларни такомиллаштириш соҳасида партия бир қанча асосий вазифаларни ўртага қўймоқда. Уларнинг моҳияти совет кўп миллатли давлатини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришдан, яхлит халқ хўжалиги комплекси доирасида ҳар бир республиканинг моддий ва маънавий потенциалини кўпайтиришдан, совет халқининг мазмунан социалистик, миллий формалари жиҳатидан хилма-хил, маънавий жиҳатдан ягона интернационал маданиятини ривожлантиришдан иборат.

Барча Совет республикаларининг экономикаси халқларнинг дўст оиласида жўшқин ривожланмоқда. Бу республикаларнинг ҳар бири бугунги кунда замонавий саноати, қишлоқ хўжалиги, фани, маданиятининг равнақи, такрорланмас миллий қиёфаси билан ажралиб туради. Ўзбекистон бунга мисол бўла олади. Совет ҳокимияти йилларида КПСС миллий сиёсатининг амалга оширилиши натижасида, СССРдаги барча халкларнинг, аввало улуғ рус халқининг ёрдами туфайли республикада қудратли ишлаб чиқариш ва илмий-техника потенциали барпо этилди.

Республиканинг социал структураси сифат жиҳатидан ўзгарди. Бизда замонавий ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ўсиб етишди, зиёлилар шаклланди. Давлат ва жамоат ҳаётининг барча соҳаларида малакали кадрлар тарбияланди.

Бироқ, XXVII съездда таъкидланганидек, сўнгги йилларда бизда барпо этилган потенциалдан самарали фойдаланилмади. Республика партия ташкилоти, меҳнаткашлари съезд кўрсатмаларидан ўзлари учун амалий хулоса чиқариб олмоқдалар, куч-ғайратларини экономикадаги салбий тенденцияларни тез тугатишга, уни сифат жиҳатидан янги поғонага кўтаришга, мамлакат яхлит халқ хўжалик комплексига, айниқса озиқ-овқат ресурсларини тўлдиришга республика қўшадиган ҳиссани анча кўпайтиришга қаратмоқдалар.

КПСС Марказий Комитетининг ҳар томонлама ёрдами ва мадади туфайли республикада соғломлаштириш жараёни бормоқда, тартиб ва уюшқоқлик мустаҳкамланмоқда. Саноат маҳсулоти ҳажми олдингига нисбатан юксакроқ суръатлар билан кўпаймоқда. Фермалар маҳсулдорлиги ошириляпти. Фан-техника тараққиётининг халқ хўжалигига таъсири ортиб бормоқда.

Социал соҳага, айниқса, меҳнат ресурсларидан яхшироқ фойдаланишга эътибор кучайтирилмоқда. Туб миллатлар вакилларидан ва аввало, оғир саноат корхоналарида ишчилар сонини анча кўпайтириш чоралари кўрилмоқда.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Ноқоратупроқ зонанинг қиёфасини янгилашда, Сибирь ва Узоқ Шарқни ўзлаштиришда янада фаолроқ қатнашаверадилар.

СССР халқлари маданиятининг интернационал негизларини ривожлантириш ва мустаҳкамлашда социалистик миллатларнинг яқинлашуви ёрқин намоён бўлмоқда. Умумхалқ мулки бўлиб қолган янгиликлар: марксча-ленинча идеология, социалистик турмуш тарзи, социалистик миллатлар маънавий ҳаётининг интернационал муштараклиги ўзбек халқи маданиятида ўз ифодасини топмоқда.

Рус тили совет халқлари бирлигини мустаҳкамлашнинг қудратли омили бўлиб қолди. Ҳозирги замон шароитида унинг роли муттасил ошиб бормоқда. Республика партия ташкилоти ҳамма жойда рус тилини ўрганиш такомиллаштирилишига биринчи даражали эътибор бериб келмоқда. Рус тилини актив эгаллаш иқтисодий, социал ва маданий ҳаётни янада равнақ топтиришга хизмат қилади.

Меҳнаткашларни социалистик интернационализм ва совет ватанпарварлиги руҳида тарбиялаш халқларнинг бирлиги ва жипслигини мустаҳкамлашда муҳим ўрин тутади. Атеистик ишларга алоҳида эътибор берилмоқда.

Ҳозир жамиятимизнинг ҳамма соҳаларида юз бераётган кескин бурилиш кишиларнинг ақли ва қалби учун курашни кучайтиришни тақозо этади. Буржуа пропагандаси «Ислом омили»ни пеш қилмоқда, миллатчилик тенденцияларини ва чекинишларни жонлантириш учун алоҳида куч сарфламоқда. Албатта, бу умидлар беҳуда. Бироқ, бундай қўпорувчилик ишларига тегишлича баҳо бермаслик ҳам мумкин эмас. Бизнинг душманларимиз ҳар қандай салбий ҳодисадан фойдаланиб қолаётганликларидан кўз юмиб бўлмайди. Шу сабабли идеология ишининг ҳамма бўғинларида социализмга ёт бўлган ҳодисаларга қарши, идеологиямиздан чекинишларга қарши курашмоқ керак. Тузумимизга душманлик кайфиятидаги ҳаракатларга қарши энг яхши кураш — идеалларимизни, социалистик турмуш тарзимизни қарор топтиришдир.

(Давоми 2-бетда).

## М. С. ГОРБАЧЕВ Ф. ЗИНОВАЦ БИЛАН СУҲБАТЛАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев 2 апрель куни Кремлда Австрия республикаси федерал канцлери Фред Зиновац билан учрашди. У Австрия саноат кўргазмаси очилиши муносабати билан Москвага келган.

М. С. Горбачев билан Ф. Зиновац амалий ва ҳайрихоҳлик вазиятида кўпгина масалаларни муҳокама қилдилар.

СССР билан Австрия ўртасидаги 1955 йилги давлат шартномасига ҳамда Австрия республикасининг доимий бетарафлик статусига таянувчи ҳар томонлама — сиёсий, ижтимоий, маданий алоқалар муваффақиятли ривожланаётганлигидан мамнуният изҳор қилинди. Бу — турли ижтимоий тузумдаги давлатлар самарали тинч-тотув яшашининг яққол намунасидир.

Иқтисодий ҳамкорликнинг эришилган даражасига юксак баҳо берилди ва ҳар икки мамлакат истиқболли манфаатларини ҳисобга олган ҳолда янги формаларни қўлланиб, бу ҳамкорликни юксалиш йўлидан янада ривожлантириш мақсадида янги босқичга олиб чиқиш муддаоси ифодаланди.

Шу муносабат билан М. С. Горбачев Совет Иттифоқида бошланган хўжалик механизмини кенг кўламда ўзгартиришнинг асосий ғоялари ва режаларини баён қилиб берди, совет жамиятини такомиллаштириш давомида ҳал этиш лозим бўлган муаммолар ҳусусида ўз фикрини айтди.

Актуал халқаро масалалар юзасидан чуқур фикрлашиб олинди. М. С. Горбачев ошкора суҳбатда олий даражадаги Женева учрашувидан сўнг вужудга келган вазиятга, ядровий қуролсизланиш ва хавфсизлик масалаларида ғарб сиёсатига баҳо берди, АҚШ маъмурияти урушга моддий тайёргарлик кўришни тўхтатишга мойил эмаслиги кўриниб турган бир вазиятда Совет давлати ўтказмоқчи бўлаётган йўлдан хабардор қилди.

М. С. Горбачев тинчликни сақлаб қолиш ва халқаро муносабатларни соғломлаштиришга қаратилган куч-ғайратларда Австриянинг, бошқа бетараф ва қўшилмаган мамлакатларнинг муҳим ролини таъкидлади. Халқаро тараққиётнинг ҳозирги ғоят масъулиятли даврида жамоатчиликнинг, сиёсий партияларнинг, шу жумладан социал-демократиянинг актив позицияси тобора катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Федерал канцлер совет ташаббусларининг амалий характери ва тинчлик муддаоларини таъкидлади ҳамда Совет—Америка музокараларида ниҳоят бурилиш бошланади, Женевадаги учрашув бутун дунёда вужудга келтирган орзу-умидлар беҳуда кетмайди, деган умидни билдирди.

Умумевропа Хельсинки жараёни давом этишига ҳар икки томоннинг актив кўмаклашиш нияти борлиги тасдиқланди.

* * *

Шу куни Красная Преснядаги Москва виставка комплексининг энг катта павильонида Австриянинг «Австрияда замонавий саноат техникаси» миллий кўргазмаси очилди.

Кўргазмани очиш маросимида Ф. Зиновац нутқ сўзлади. У Австрия—Совет савдо-иқтисодий муносабатлари ғоят барқарорлиги билан ажралиб туришини, ҳар қандай ташқи таъсирларга берилмаслигини айтди. Бу муносабатлар ўнлаб йиллар давомида ҳар икки мамлакат экономикаси манфаатлари йўлида юксалиш сари ривожланиб бормоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, СССР Министрлар Совети раисининг биринчи ўринбосари, СССР Госплани раиси Н. В. Тализин ўз нутқида жаҳондаги барча мамлакатлар билан, шу жумладан Австрия республикаси билан яхши қўшничиликни сақлаш ва мустаҳкамлаш — Совет Иттифоқининг КПСС XXVII съезди тасдиқлаган изчил, принципиал позицияси эканлигини таъкидлади.

СССР савдо-саноат палатаси кўмаги билан Австрия экономика федерал палатаси томонидан ташкил этилган экспозициялар кўздан кечирилди.

(ТАСС).



**◆ ЎЗБЕКИСТОН ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг Нариманов шаҳридаги экспериментал ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи бу йил минглаб кўчма сув насосларини буюртмачиларга ўз вақтида топшириш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар. Бундай насосларга бўлган талаб эса йил сайин ортиб бормоқда. Суратларда: (юқорида) бирлашманинг илғор ишчилари—монтажчи В. Шестерина ва слесарь М. Нигматулин. (Пастда) жўнатишга тайёрлаб қўйилган насос станциялари.**

В. Сироткин фотолари.

## *Газетанинг бугунги сонига хабар қиладилар*

### КЕНГАШИБ ОЛДИЛАР

**✦ ТОШКЕНТ район партия комитети ҳузуридаги илмий-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича ҳамкорлик кенгашининг биринчи семинар-машғулоти бўлиб ўтди.**

**Машғулотда Р. Р. Шредер номидаги узумчилик илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Мирзаев, полиз экинлари, сабзавот ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти агротехника лабораторияси ходими С. Маҳкамов, институт директорининг ўринбосари А. Боқиев, селекционерлар Е. Ермолаева, Ҳ. Мирҳайдаров ўртоқлар сўзга чиқиб, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш ва илғор тажрибаларни оммалаштириш ҳамда ана шу асосда ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисидаги қимматли фикр ва мулоҳазаларини билдирдилар ва қатор таклифларни ўртага ташладилар.**

### ҚЎШИМЧА ИККИ МИНГ СЎМЛИК

«Главташкентстрой» 4-трестининг 18-қурилиш бошқармасида бригадалараро социалистик мусобақада Факис Гелемшин етакчилигидаги коллектив карвонбошилик қилмоқда. 26 кишилик бу бригаданинг ҳар бир аъзоси 3—4 касбни ўзлаштириб олган. Улар ҳозир Чермет кўчасида қурилаётган беш қаватли Ўрта Осиё медицина-педиатрия институти болалар клиникасининг ўқув корпусини бунёд этишмоқда.

Бригада хўжалик ҳисобида ишлаб, кунлик нормани 10—15 процент ошириб бажаришга эришмоқда.

Аҳил коллектив биринчи квартал планини муддатидан анча илгари бажариб, планга қўшимча равишда яна икки минг сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишди.

### МОСКВАЛИК ШИФОКОРЛАР ОБЛАСТИМИЗДА

**✦ СССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг масъул ходими Александр Алексеевич Глазов бошчилигидаги москвалик бир группа шифокорлар бригадаси наркология бўйича областимиз даволаш муассасаларида олиб борилаётган ишлар билан танишмоқдалар. Улар Олмалиқ, Ангрен, Оҳангарон шаҳарлари наркология марказларида ва бошқа диспансерлар, медицина муассасаларида бўлишиб, мутахассисларнинг бу соҳадаги ишларини муносиб баҳоладилар ва қимматли маслаҳатлар бердилар.**

**Шифокорлар бригадаси бугун Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ райони соғлиқни сақлаш муассасаларининг алкоголизмни даволаш, унинг олдини олиш ва умуман алкоголизмга қарши кураш борасидаги ишлари билан танишадилар.**

## ЗАРБДОР ИШ НАМУНАСИНИ КЎРСАТАЙЛИК

### ШАНБАЛИККА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА ЎТКАЗИШ ОБЛАСТЬ ШТАБИНИНГ КЕНГАШИДАН

Пойтахт областининг шаҳар ва районларидаги юзлаб меҳнат коллективлари москвалик саноат корхоналарининг 19 апрелда В. И. Ленин туғилган куннинг 116 йиллиги муносабати билан коммунистик шанбалик ўтказиш тўғрисидаги ташаббусини қизғин қўллаб-қувватладилар. Шанбаликка тайёргарлик кўриш ва ўтказиш бўйича область штаби тузилди.

2 апрелда область партия комитетининг секретари В. Г. Гордиенко раислигида кенгашнинг биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда 19 апрелда ўтказиладиган шанбалик бўйича область штабининг плани тасдиқланди, унинг аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланди.

Штаб йиғилишида шанбаликка тайёргарликнинг бориши тўғрисида Тошкент шаҳар партия комитетининг секретари С. М. Юсупов, Ангрен шаҳар партия комитетининг биринчи секретари В. В. Березовский, Олмалиқ шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Абдувосиқов, Чирчиқ шаҳар партия комитетининг иккинчи секретари Д. Т. Азизхўжаев, Оҳангарон район партия комитетининг иккинчи секретари А. И. Федорин, Оржоникидзе район партия комитетининг иккинчи секретари И. Г. Яковлев, Ўзбекистон металлургия заводининг директори И. И. Овсюк, Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг директори П. С. Мақсудовлар ҳисоб бердилар.

Тошкент, Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари ва Оҳангарон, Орджоникидзе районларининг меҳнат коллективлари шанбаликда юқори меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига эришиш учун юксак социалистик мажбуриятлар қабул қилдилар. Область бўйича шанбаликда 2 миллион 300 минг киши актив иштирок этиши кўзда тутилмоқда. Шанбалик иштирокчиларининг кўпчилиги иложи борича ўз иш жойларида меҳнат қиладилар.

Область штаби меҳнаткашлар энг юқори меҳнат унумдорлиги ва иш сифатига эришиши учун барча имкониятларни яратиб беришни тавсия қилди. Шу мақсадда шанбалик ўтказиш шаҳар, район штабларига, корхоналар ва ташкилотларнинг штабларига пассажир транспорти, мактабгача болалар муассасалари нуқсонсиз ишлашини, иш жойларида одамларни барча зарур материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа воситалар билан таъминлашни таклиф этилди. Узлуксиз график бўйича ишлайдиган коллективлар учун эса ленинча коммунистик шанбалик ҳисобига 19 апрелгача бўлган дам олиш кунларида ишлаб бериш имконияти яратилади.

Ўзбекистон қийин эрийдиган ва иссиққа чидамли металлар комбинатининг директори П. С. Мақсудов ўз сўзида чирчиқлик металлурглар Улуғ Ватан уруши инвалидларидан муҳтожларининг квартираларини ремонт қилиб беришга аҳд қилганликларини билдирди. Шанбалик ўтказиш область штаби барча меҳнат коллективларига шанбалик давомида Улуғ Ватан уруши инвалидлари турар-жойларини ремонт қилишга ёрдам кўрсатишни таклиф этди.

Штаб областдаги ҳар бир меҳнаткашни астойдил, сидқидилдан ишлаш намунасини кўрсатишга чақирди.

